Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
11 май
ЧОРШАНБА
№ 37
(12.361)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ангрен:

20 йил

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР



1. Қайнар булоқлар

Бугун Ангрен шаҳри кўча ва маҳаллаларини кезсангиз, қурилиш ташкилотлари, корхона, ўқув ёки соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти билан танишсангиз, ўзгача руҳни ҳис қиласиз. Бу – изланувчанлик ва ташаббускорлик. Бу руҳ дастлаб Халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати шоира Зарифа Эралиева бир гуруҳ ўқувчилар – шаҳар болалар ижодиёти маркази қошидаги "Ёш қаламкашлар" тўгараги аъзоларини газетамиз таҳририятига эргаштириб келганида кўзга ташланганди. Уч авлод ижодкорларининг ўша учрашувида 45-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Муқаддас Алиқулова ўқиган бу сатрлар бамисоли Она юрт олдида бир қасамёддек жаранглади:

Муносиб фарзанд бўлиб,
Юрт ишончин оқлайман.
Мени улғайтирган шу Ватанни ардоқлайман!

Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловида вилоят босқичининг совриндори, компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилмурод Юсубалиевнинг "Мустақиллик", "Шу Ватанда туғилдим", академик лицей ўқувчиси, "Янги авлод" фестивали вилоят босқичи ғолиби Муқаддас Оқмамбетованинг "Ватан посбонлари", педагогика коллежи ўқувчиси Муҳаббатхон Исоқованинг "Маҳаллам" шеърларида ҳам Ватанга садоқат, эл-юрт хизматида ҳамиша камарбасталик руҳи баралла сезилганди.

18-умумтаълим мактаби ҳовлиси истироҳат боғини эслатади. Директор Маҳмуд Турғунбоев синф хоналарини, ўқувчилар ошхонасини фахр билан айлантириб чиқди.

– Маҳмуджон ҳар қанча фахрланса арзийди, – деди Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Баҳринисо Мирзараҳимова. – У 2005 йили директорликка тайинланганида мактаб биноси хароба ҳолга келган эди. Лекин бу ҳолат Маҳмуджонни чўчитмади, руҳини чўктирмади. Шаҳар ҳокимлиги, "Гурум" маҳалласи фаоллари, кон ускуналарини созлаш корхонаси, Янги Ангрен ИЭС қурилиш бошқармаси ёрдамга келди. Ҳусниддин Масаидов, Ёқуб Бобоқулов, Абдуқодир Бегматов, Толибжон Эшончаев, Абдумалик Ҳусанов сингари ўнлаб ота-оналар ҳам таъмирлаш ишларига салмоқли ҳисса қўшишди. Бино қисқа фурсатда мутлақо янги қиёфада қайта тикланди.



Устоз-мураббийлар шунга яраша тинимсиз изланишди. Иқбол Нуржонова, Нозила Усмонова, Юсуфжон Йўлдошев, Муҳайё Маматалиева сингари ўқитувчилар дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиб, ноанъанавий машғулотлар кўпайди.

Қисқаси, бугун бу даргоҳда 1235 ўқувчи билим олаяпти. Биринчи синфдан бошлаб компьютер таълими киритилган. 37 та синфда ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилаяпти. Мактаб ўтган ўқув йили якунлари бўйича шаҳарда биринчи ўринни эгаллади.

Ҳатто, ҳозирча бироз депсиниб турган каттакичик корхоналарда ҳам шундай изланиш руҳи ҳукмрон десак хато бўлмайди. Масалан, "Элерем" унитар корхонаси ўтган йили 77,5 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарди. Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилаётганида бу ҳолат кескин танқид қилиниб, ўсиш суръатлари пасайишининг асосий сабаблари кўрсатиб берилди. Ҳокимлик вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига уни молиявий соғломлаштириш дастурига киритишни таклиф қилди. Энди "Элерем"да ҳам маркетинг ишлари кучайтириляпти, янги буюртмачилар билан шартномалар тузиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш кўламини кенгайтириш чоралари кўриляпти.

Ёки Янги Ангрен ИЭСини кўмир ёқишга ўтказишга доир инвестиция лойиҳасини олиб кўрайлик. Умумий қиймати 162,26 миллион АҚШ доллари бўлган бу лойиҳани амалга оширишга ХХРнинг "Эксимбанк"и 113,84 миллион АҚШ доллари ажратмоқда. Уни амалга ошириш натижасида "Ангрен" кўмир конида кўмир қазиб олишга доир поток технология жорий этилади. Юқори унумли кон-транспорт ускуналари ишга туширилиб, йиллик кўмир қазиб олиш 6,1 миллион тоннага етказилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичини молиялаштириш бошланди. Қисқа фурсатда 580 минг АҚШ долларилик қурилиш ва технологик ускуналарнинг монтаж-йиғиш ишлари бажарилди. Қудратли "ЭКГ-5У"лар келтирилиб, дастлабкиси 17 март куни ишга туширилди. Иккинчи экскаваторни йиғиш апрель ойида якунланди. Шу кунларда учинчи ва тўртинчи экскаваторлар монтажи давом эттириляпти.

Биринчи чоракда режадагидан 1,58 миллион доллар зиёд – 14,23 миллион долларлик иш бажарилди.

Кўриниб турибдики, Ангренда тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар, бошқарув ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари бу жараёнларга юқори суръат бағишлаётир.

СУРАТДА: Ангрен кўмир кони.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ЭҲТИРОМ



ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Ўн икки йилдирки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эълон қилинган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Бу сафар вилоятимизда мазкур санага бағишланган маросим Қумовулдаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида айём муносабати билан барпо этилган Хотира майдонида бўлиб ўтди. Эрта тонгдан бу ерга вилоятимиз фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари ташриф буюрдилар.

Дарҳақиқат, бу байрам халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатларни тобора мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, бундай ёруғ кунларга етиш учун қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик билан яшаш ҳар қандай инсон учун шарафли бурчдир. Бинобарин, муҳтарам Юртбошимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳам мамлакатимизда уруш фахрийларига кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромнинг яна бир намунаси бўлди.

Таъкидлаш лозимки, бутун халқимиз шу қутлуғ санада Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган оламшумул ғалабанинг 66 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлади. Негаки, тинчликпарвар эллар орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда юртдошларимиз жуда катта мардлик ва матонат намуналарини кўрсатгани ҳеч кимга сир эмас.

Уруш олови ёна бошлаган ўша машъум кезлар биринчилар қаторида 200 мингдан зиёд вилоятдошимиз қирғинбарот жангларга сафарбар этилгани, уларнинг 40 мингга яқини жангу жадалларда ҳалок бўлгани ва бедарак кетгани, яна неча минглаб йигитлар олис юртлардан ногиронлик азобини тортишга маҳкум бўлиб қайтгани ҳар қандай инсон қалбини ларзага солади.

– Биз учун мана шундай тинч ва фаровон кунларни таъминлаган, фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшганларни улуғлаш, номларини абадийлаштириш ҳам қарз, ҳам фарздир, – деди тантанали маросимга йиғилганларни қутлар экан вилоят ҳокими Рустам Холматов. – Шу мақсадда вилоятимиз фаоллари, айниқса, кўпни кўрган нуронийларнинг маслаҳат ва таклифларини инобатга олиб, бугун вилоятимизнинг юрагига айланиб қолган шу сўлим гўшада қисқа фурсатда Хотира майдонини бунёд этдик.

(Давоми 2-бетда).

ХОТИРА ҚАЛБЛАРДА МАНГУ

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Қибрай туманидаги "Дўрмон" тўйхонасида Hydrolife Bottlers масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрам тадбири ўтказди.

Унга туманда яшовчи 400 та кам таъминланган оила аъзолари ҳамда ногиронлар таклиф этилиб, ҳамкорларнинг совғалари тарқатилди.

Тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси вакиллари сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан муборакбод этишди.

Дилшод ОТАБОЕВ.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида аҳолининг экологик билим ва маданиятини оширишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар, журналистлар иштирок этди.

ҚИЗИЛ КИТОБ ЯНГИ НАШРДА

Аҳолининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирлардаги фаоллигини янада оширишда экологик нашрларнинг алоҳида ўрни бор. Бу борада Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бир қатор китоб, рисола ва плакатлар нашр этилиб, аҳолига кенг тарқатилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Ботаника" илмий-ишлаб чиқариш маркази, Зоология институти, "Chinor ENK" экологик нашриёти билан ҳамкорликда чоп этилган "Қизил китоб"нинг тўлдирилган янги нашри шулар жумласидандир. Икки жилдли бу китобда ўсимлик оламининг камайиб бораётган 324, ҳайвонот дунёсининг 184 тури ҳақида маълумот берилган.

ЎзА.

Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида "Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?" мавзусида ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашув ўтказилди.

АЙТГИЛ, ДЎСТИМ, НИМА ҚИЛДИК ВАТАН УЧУН?

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда адабиётшунос ва тилшунос олимлар, мактабнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Учрашувда бугунги тинч ва фаровон ҳаёт қадрига етиш, она Ватанга ҳурмат, шу юртга дахлдорлик туйғусини ёшларда шакллантиришда ижодкорлар, айниқса, севимли ёзувчи ва шоирлар билан жонли суҳбатлар, ижодий мулоқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги яна бир бор таъкидланди. Мактабнинг турли халқаро мусиқа танловларида муваффақиятли иштирок этган ўқувчи-ёшлари ижросидаги куй-қўшиқлар, театрлаштирилган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди. Шунингдек, шоир ва ёзувчилар ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларининг қизиқарли мулоқотлари, баҳру байт айтишувлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

Сир эмас, жамиятнинг "учинчи сектори" – нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) ижтимоий-сиёсий ҳаётда нечоғли ўрин тутганига қараб, ҳар қандай давлатнинг демократлашув даражаси ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари бораётган Ўзбекистонда ҳам мазкур секторни ривожлантириш учун мустақилликнинг илк йиллариданоқ мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Конституциямизнинг жамоат ташкилотларига бағишланган 13-бобида белгилаб қўйилган ҳуқуқий шарт-шароитлар ҳам фикримиз исботидир.

ННТлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "ННТлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Ҳомийлик тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган. Шунингдек, Республика Президентининг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма Қарорига мувофиқ, Олий Мажлис ҳузурида ННТлар ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фондининг ташкил этилиши ҳам фикримиз далилидир. Айни пайтга келиб юртимизда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг сони 5300 дан ошди. Фақат маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ўзигина 10 мингдан зиёд.

ННТларнинг бошини қовуштириш, уларнинг ташкил этилиши, ривожланиши ва ҳуқуқий-маслаҳат ва моддий кўмак олишларининг самарадорлигини оширишда 2005 йилда республикамизнинг барча ҳудудларидаги 150 дан ортиқ ННТларнинг ташаббуслари билан ташкил этилган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциацияси (ЎзННТМА) муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда Ассоциация "учинчи сектор"нинг 327 нафар фаол вакилларини атрофига жамлаб, барча даражалардаги лойиҳаларни амалга оширишга қодир, етарлича кучли механизмга айланди.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Ангрен:



ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

2. Суръат ва сифат уйғунлиги самаралари

Бу шаҳарнинг қуми ҳам, тоши ҳам олтин. Сувларида олтин зарралари оқади десак муболаға бўлмайди.

– Бу гапда жон бор, – деди "Ленд-Барака-Файз" хусусий корхонаси қум-шағал ишлаб чиқариш бўлими бошқарувчиси Зоҳид Тошматов. – Лекин Ангренимизнинг қуму тошини чинакам олтинга айлантириш учун қаттиқ ишлаш, изланиш, ҳаракат қилиш керак.

Абдуқодир Бегматов билан Шавкат Дадаматов тавакалчиликка қўл уриб, биргаликда елиб-югуришлари натижасида Қорабоғсой бўйида мазкур кичик корхона ташкил қилинди. Замонавий техника ва технологик ускуналар олиб келиниб, қисқа фурсатда ишлаб чиқариш жараёни бошлаб юборилди. Бугун корхона иссиқлик электр станциялари, "Назарбек автойўл", "Кўмирконқурилиш" корхоналари сингари йирик буюртмачиларга ювилган қум, чақмоқтош ва шағал етказиб бераётир.

Бугун Ангрен ўз олтину кўмири, электр қуввати ва қурилиш материаллари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги бир йилда саноат маҳсулотлари 7,4 фоиз кўпайди. Кичик бизнес корхоналарида бу кўрсаткич 19 фоиз бўлди. Улар деярли 24 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Кўриниб турибдики, шаҳар саноатида ўсиш, ривожланиш жадал тус олаяпти. Бунда шаҳар ҳокимлиги аниқ-равшан дастурлар ишлаб чиқиб, амалга ошираётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Чунончи, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 7 та лойиҳа амалга оширилиб, 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу йилнинг дастлабки уч ойида яна 4 та лойиҳа бўйича ишлар қизғин бошлаб юборилди. Бу корхоналар кўргазма ва ярмаркаларда фаол қатнашиб, янги-янги шартномалар тузаётир. Маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланилаётгани натижасида уларни хориждан сотиб олиш 14,3 фоизга камайди.



"Ангренгазмаш" масъулияти чекланган жамияти сўнгги бир йилда ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулотда маҳаллий хом ашё улуши 80 фоизга етди. Кон ускуналарини созлаш заводи 1 миллиард 771 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарди. Бу корхона буюртмачиларга етказиб бераётган тайёр маҳсулотда маҳаллий хом ашё 35 фоиз атрофида. "Ангренцемент" эса фақат маҳаллий хом ашёдан фойдаланаётир. "Шовли" масъулияти чекланган жамият мутахассислари енгил автомашиналар учун резина қисмлари ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё улушини 48 фоизга кўтаришди.



Ўтган йили 4 та лойиҳа ҳудудий инвестия дастурига киритилди. Кремний ишлаб чиқаришга мўлжалланган "SOLARTECH" кичик корхонасида 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилди. Қурилиш-монтаж ишлари тугалланганидан сўнг шу йилнинг учинчи чорагида ишлаб чиқаришни бошлаш кўзда тутилаётир. Янги корхона мамлакатга йилига 5 минг тонна кремний беради.

"STROYMASINVEST", "PETRO MINERALS", "DONG SAN INTERNATIONAL" кичик корхоналарида ҳам янги қувватлар жадал барпо этилаётир. Умуман, уларда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари қараёнида 10 миллион АҚШ долларига яқин инвестиция ўзлаштирилди.

Кўмир ва каолин қазиб олиш борасида кончилар эришаётган ютуқлар ҳозир ҳам салмоқли. Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида 677,8 минг тоннага яқин кўмир қазиб олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 23,6 фоиз кўп. Амалга оширилаётган ташкилий-техникавий тадбирлар кон очиш ишлари ҳажми муттасил ошириб борилишини таъминлайтир.

– 2014 йилгача ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш бўйича республика Президенти тасдиқлаган энг муҳим лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган ишлар кўмир қазиб олиш жараёнларини янги сифат даражасига олиб чиқади, – дейди "Ангрен" кўмир кони директори вазифасини бажарувчи Илҳом Холмирзаев. – Бизнинг корхонамизга доир лойиҳани 2011-2012 йиллар давомида амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ҳозиргача 580,3 минг АҚШ доллари ҳажмида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Бугунги кунда шаҳарда хорижий инвестицияли 20 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги технологик ускуналарнинг жорий этилиши натижасида улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати яхшиланиб, жаҳон бозорида рақобатга бардошлилиги ошаяпти. Айни шу жиҳат шаҳар саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини кучайтирмоқда. Ўтган йили хорижга бир миллион 659 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатган саноат корхоналари дастлабки уч ойда бу кўрсаткични бир миллион 106,2 минг АҚШ долларига етказди.

Қурилиш ишлари ҳажми йилдан йилга ортиб бораяпти. Ўтган йили 5 та қурилиш-монтаж ташкилоти 59,3 миллиард сўмликдан ортиқ иш бажарди. Уй-жой, ижтимоий инфратузилма корхоналари ва йўлларни таъмирлаш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилди, 5,7 километр масофага табиий газ тармоқлари тортилиб, аҳоли хонадонларига 6,2 минг дона газ ҳисоблагич ўрнатилди.

Ангрен тадбиркорлар шаҳрига айланиб бораяпти. Бу Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Шаҳар ҳокимлигининг статистика бўлими маълумотларига қараганда, шу кунларда шаҳарда мингдан зиёд кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқариш ва пулли хизмат кўрсатиш соҳаларига тобора кенг кириб бормоқда.

Ангреннинг дунёга юз тутган шаҳарга айланиб бораётганида Қамчиқ довонидан ўтган халқаро йўлнинг жаҳон андозаларига мутаносиб даражада қайта қурилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Оҳангарон – Жиззах автомагистрали билан Логистика марказининг тўла ишга туширилиши шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий равнақини жадаллаштиради.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) қум-шағал ишлаб чиқарувчи кичик корхона смена мастери Бахтиёр Турдиқулов (ўнгдан иккинчи) ишчилар билан; (пастда) «Оромнон» хусусий фирмасида иш қизғин.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ЭҲТИРОМ



ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Истардимки, мана шу жой вилоятимизнинг энг муқаддас майдонига, нафақат Хотира ва қадрлаш куни, балки йил бўйи зиёратчилар билан гавжум бўладиган масканга айлансин.

Ҳа, инсон умри ғанимат, дейдилар. Афсуски, уруш қатнашчилари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу галги байрамни нишонлаш вилоятимизда умргузаронлик қилаётган 907 нафар уруш қатнашчисига насиб этди. Хотира ва қадрлаш кунига атаб вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида байрам кечалари уюштирилди, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, касб-ҳунар коллежларида уч авлод учрашувлари ташкил этилди. Байрам кунлари вилоятда умргузаронлик қилаётган уруш қатнашчилари ва ногиронлари йўқланиб, улар ҳолидан хабар олинди ва мамлакатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ пул мукофотлари ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, бир қатор ҳомийларнинг совға-саломлари топширилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликларидан бошим кўкка етади, – дейди қибрайлик уруш қатнашчиси, меҳнат фахрийси Сайфулла Шодмонхўжаев. – Вилоятимизда барпо этилган мана бу Хотира майдони ҳам мени беҳад қувонтирди. Ахир, неча-неча сафдошларимиз бу ёруғ кунларимизни кўролмай кетдилар. Яратган куч берса, энди бу ерга тез-тез келиб Хотира китобини варақлаб тураман. Шунда мангуга йўқотиб қўйган дўстларим, сафдошларим билан хаёлан юзлашаман, суҳбат қураман...

Хотира майдонининг очилиш маросимида вилоятимизнинг ҳар бир туман ва шаҳри учун алоҳида тикланган рамзий Хотира китоби пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт тинчлиги ва озодлиги, фарзандларнинг порлоқ истиқболи учун жон фидо этган марҳумлар миннатдорлик билан ёдга олинди.

Майдон шу куни кечга қадар вилоятимизнинг олисяқин гўшаларидан келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Гайрат ШЕРАЛИЕВ. Даврон АҲМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ХОТИРА

ЎТГАНЛАР ЁДИ АБАДИЙ

Комил инсон ҳар бир ўтган кунига, бугунгидек тўкин ҳаётни кўриш насиб этганига шукр қилиб яшайди. Бу фаровонлик ва тинчлик учун жонини фидо қилган инсонлар хотирасини ҳам доимо ёдда тутади.



Зангиота туманидаги Қизғалдоқ қишлоғи Зоирхон Жалилов маҳалласида иккинчи жаҳон уруши қурбони бўлган саккиз нафар ҳамқишлоқларини келажак авлод эслаб юриши учун рамзий мармар тахта ўрнатилди.

– Бугун ўрнатган ёдгорлик тошига нафақат урушда ҳалок бўлганлар, балки ғалаба билан қайтиб, 2000 йилгача ўз меҳнати билан элга хизмат қилган 16 нафар маҳалладошимизнинг ҳам номларини туширдик, – деди маҳалла оқсоқоли, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Мурод Мирзахалилов.

Маҳалла аҳлининг моддий ёрдами ва ҳашари билан тикланган ёдгорликнинг тантанали очилиш маросимида ўтганлар руҳи ёдга олинди. Оқсоқоллар юртимиз абадий тинч ва фаровон бўлишини тилаб дуога қўл очишди.

Отабек САИДОВ.

СУРАТДА: ёдгорлик очилишидан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сурат.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ассоциация 600 дан ортиқ ННТлар билан биргаликда ўтказган давра суҳбатларида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Бунинг натижасида 2007 йилда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонун ННТлар манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайди ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаб, давлат органлари билан ижтимоий шерикчилик механизмини ривожлантириб, давлат субсидияси, гранти ва ижтимоий буюртмаси кўринишида давлат томонидан ННТлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг бир қатор чора-тадбирларини кўзда тутади.

Мазкур Ассоциация ҳуқуқий, экология, иқтисод ва таълим, ижтимоий-гуманитар, аёллар ва ёшлар йўналишларида фаолият юритиб келмоқда.

Биргина ижтимоий-гуманитар, аёллар ва ёшлар йўналишида ассоциация таркибида 81 та ННТ фаолият кўрсатади. Шулардан 68 таси ногиронлар, 4 таси фахрийлар бўлиб, тегишли йўналишларда лойиҳа ва дастурларни амалга ошираётир. Мазкур йўналишдаги ННТлардан 11 таси Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан молиялаштирилган.

Ассоциация таркибидаги 30 дан зиёд ННТ аёллар ва ёшлар йўналишида фаолият юритади. Тошкент шаҳри, вилояти ва Бухоро вилоятида аёллар йўналишидаги ННТ фаоллиги кузатилса, ёшлар йўналишида Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ёшларининг ташаббуслари эътиборга молик.

Ўз навбатида, Ассоциациянинг "Экология, иқтисодиёт, таълим" йўналиши бўйича аъзолари сони 140 тага етган. 2006-2008 йиллар мобайнида ЎзННТМА қошидаги ЎзННТҚҚ Фонди томонидан ажратилган грант танловларида ушбу йўналиш бўйича фаолият олиб боратётган ННТлар томонидан 35 та лойиҳа амалга оширилган.

2006 йилда ЎзННТМА томонидан республикамизнинг барча вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ресурс марказлари ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзННТМА Низомида кўрсатилган асосий вазифалардан бири – халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бўйича ҳам самарали фаолият юритилмоқда. Хусусан, Ассоциация БМТ ривожланиш лойиҳаси ва БМТ агентликлари, Жаҳон Банки, Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича Швейцария агентлиги (ШАРС), Халқ университетлари Немис Ассоциацияси (IIZ/DVV), Марказий Осиёда Минтақавий экологик маркази ва бошқа чет эл ташкилотларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорлик меморандумлари имзолаган ва ҳамкорлик лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Эътироф этиш керак, республика Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузаси жамоат ташкилотлари, хусусан, ННТларни ривожлантириш ва улар фаолиятининг самарадорлигини оширишда ҳам туб бурилиш даврини бошлаб берди. Концепциянинг "Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш" деб номланган бешинчи бўлимида берилган бир қатор янги қонун лойиҳалари бўйича таклифлар "учинчи сектор" фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Хусусан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" ҳамда "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, шу билан бирга, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давр руҳидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тизимини такомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бунда айниқса, "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси яратилиши бекиёс аҳамиятга эга. Яратилажак ушбу қонун ННТларнинг маъмурий-бошқарув идоралари билан мустаҳкам ва изчил алоқаси ўзаро амалий ёрдам алмашувини таъминлайди. ННТлар ўз фаолиятининг барча босқичларида давлат ёрдамини ҳис этиб турсагина жамиятдаги барча учта сектор ўртасида барқарор мувозанат ўрнатилишига, пировардида олий мақсадимиз – ривожланган эркин фуқаролик жамиятини қуришга муваффақ бўламиз.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида илгари сурилган ғоялар давлатчилигимиз тарихида янги саҳифа очиб, Олий Мажлис Сенати билан маҳаллий вакиллик органлари ҳамкорлигини янада юқори босқичга кўтаради.

Шу боис жойларда Концепцияни ўқиб, ўрганишга бағишланган турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари давом этмоқда. Шундай учрашувлардан бири вилоят ихтисослаштирилган терапия шифохонасида бўлиб ўтди. Ҳуқуқшунос мутахассислар Концепцияда илгари сурилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини тадбир иштирокчиларига атрофлича тушунтириб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

ҲУҚУҚ БУРЧАГИ

ЕР, ИЖАРАЧИ, ШАРТНОМА

Қишлоқ хўжалигида ердан ижара усулида фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари

Республика қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишнинг ижара шакли самарали эканлиги исботланмоқда. Ҳозир қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини етиштириб бераётган фермер хўжаликлари ерлардан айнан ижара асосида фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 24-моддаси биринчи бандига кўра, ер ижараси – бу мулк эгаси (давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органлари) томонидан ер участкаларини бошқа фойдаланувчига (ижарачига) мустақил хўжалик фаолияти юритиш учун, қоидага кўра, ҳақ эвазига ва маълум муддатга шартнома асосида бериш шаклидир.

Ижара асосида ердан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ижара асосида ердан фойдаланувчи мустақил хўжалик юритиш ва ердан мустақил фойдаланишга ҳақли. Ер ижарага давлатнинг захира ерлари фондидан ёки маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги ерлардан берилади.

Ижара асосида ердан фойдаланиш ҳуқуқи фойдаланиш муддатини ўзгартириш ва тугатиш тартибини, ижарачиларнинг ҳуқуқларини кўриқловчи, ердан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар жамланмасидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги "Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низомида белгиланишича: "Ер участкалари фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага берилади". Туман ҳокими юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалик ерлари ва захирадаги ерлардан участкалар ажратиш, шунингдек, ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади ва танловда ғолиб бўлган иштирокчи билан ижара муносабатларига шартнома асосида киришади. Ер ижараси шартномаси уни имзолаган томонлар учун бажарилиши мажбурийдир. Бу шартнома, асосан ёзма шаклда тузилади. Унда ер участкасининг миқдори ва жойлашган ўрни, аниқ чегаралари ва ижара муддати, ижара ҳақи, ижарага берувчи ва ижарачининг ердан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Ижарага олинган ер давлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида белгиланишича, ерга нисбатан давлат мулкчилигини бузувчи турли битимлар тузиш тақиқланади ва улар ҳақиқий саналмайди.

Ер участкасидан фойдаланишда шартномада белгиланган муддат ўтгандан сўнг, агар томонлар ердан фойдаланишни бекор қилиш хоҳишини билдирмаса, ўзаро келишувга асосан томонлар яна янги муддатга ердан фойдаланишни узайтиришлари мумкин. Бундан ташқари, "Ижара тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасига кўра, шартнома муддати тугагандан сўнг ижарачининг шартномани яна тиклашга ҳуқуқи бор. Демак, ижарачи шу асосда ердан фойдаланиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга. Яна шуни таъкидлаш керакки, шартнома муддати тугагандан сўнг бирор томон шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида хабар қилмаса, шартнома ўша муддатга ва ўша шартлар асосида узайтирилган ҳисобланади.

Шундай қилиб, республикамизда қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишга оид муносабатлар қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу қонунларга амал қилиш, уларни оғишмай бажариш эса ҳар бир ижарачи учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Элдор ҚУРБОНОВ, Тошкент Давлат юридик институти 2-босқич магистри.

ҲАВАСКОР ТЕАТР ГУРУҲЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

14-15 май кунлари Ўзбекистон Ёшлар театрида немис тилида сўзлашувчи ҳаваскор театр гуруҳларининг театр фестивали ўтказилади.

Фестивалда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғонадаги немис маданияти марказларининг ҳаваскор гуруҳлари томонидан спектакллар намойиш этилади. Германиянинг Галли театри жамоаси ҳам фестивалда ўз спектакли билан қатнашади.

Шунингдек, Германия театри жамоаси актёрлари томонидан ўтказиладиган маҳорат машғулотларида ёш ҳаваскорлар ўз билим ва кўникмасини янада ошириш имконига эга бўлишади.

Мазкур тадбирга Тошкентдаги барча университет, институт, лицей ва мактаблардаги немис тили дарсларида юқори кўрсаткичларга эга бўлган талабалар ва ўқувчилар таклиф этилади.

"Туркистон-пресс".

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан вилоят иқтисодиётида хусусий сектор улуши ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида ҳудудий тадбиркорларни жалб этган ҳолда "Ўзбек Лизинг Интернэйшенл А.О." компанияси иштирокида шаҳар ва туманлар ҳокимликларида бўлиб ўтадиган очиқ учрашувлар

ЖАДВАЛИ

Т/р	Т/р	Очиқ учрашув бўлиб ўтадиган шаҳар (туман)лар номи	Иштирок этадиган шаҳар (туман)лар номи	Очиқ учрашув бўлиб ўтадиган сана ва соати	Масъул
1	1	Олмалиқ шаҳри	Ангрен шаҳри	11 май соат 11:00	Шаҳар ва туманлар ҳокимларининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари
	2		Оҳангарон тумани		
2	3	Қибрай тумани	Бўстонлиқ тумани	12 май соат 11:00	
	4		Чирчиқ шаҳри		
3	5	Зангиота тумани	Паркент тумани	13 май соат 11:00	
	6		Қуйичирчиқ тумани		
4	7	Юқоричирчиқ тум.	Пискент тумани	14 май соат 11:00	
	8		Оққўрғон тумани		
5	9	Бўка тумани	Бекобод тумани	16 май соат 11:00	
	10		Бекобод шаҳри		
6	11	Янгийўл тумани	Чиноз тумани	17 май соат 11:00	
	12		Ўртачирчиқ тумани		

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ИНТИЛГАНГА КЎМАК ҲАМ МЎЛ

Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ва "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Ўздавнефтгазинспекция" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинар-учрашув ўтказди.

Тадбирда вилоят адлия ва давлат солиқ бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ёнилғи қуйиш ҳамда суюлтирилган ва сиқилган газ тўлдириш шохобчалари, ғишт заводлари ҳамда табиий газ таъминоти вакиллари иштирок этдилар.

Семинар нефть маҳсулотлари, табиий, суюлтирилган ва сиқилган газдан тўғри ва оқилона фойдаланиш, тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, тадбиркорлик субъектлари учун қулай бизнес муҳитини яратиш ҳамда уларда текширишлар ўтказиш масалаларига бағишланди.

Учрашувда адлия бошқармаси, солиқ инспекцияси ҳамда савдо-саноат палатаси вакилларининг инспекциянинг асосий вазифалари, нефть таъминоти корхоналари томонидан нефть маҳсулотларини иқтисодиёт тармоқларига етказиб бериш тартиби ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулайликлар яратиш ва кўмак бериш тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Бугунги кунда "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларига яқиндан ёрдам бериш, шу билан бирга тадбиркорларнинг мурожаатларини қисқа муддат ичида кўриб чиқиб, ижобий ҳал этиш ҳамда уларга соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини англатиш бўйича тадбирлар ўтказишни йўлга қўйган.

– Семинарда автомобилларга ёнилғи, суюлтирилган ва сиқилган газ қуйиш шохобчалари ҳамда мой алмаштириш пунктларини очиш, улар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилгани мен учун айниқса фойдали бўлди, – деди Пискент туманидаги "Дар бизнес" хусусий корхонаси раҳбари Дилафрўз Рашидова. – Корхонамизга тегишли иккита ёнилғи қуйиш шохобчасини юритиш мисолида шуни айтишим мумкинки, тадбиркорлар учун шароитлар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг текширувларни қисқартиришга оид охирги фармонлари ҳам биз учун айни муддао бўлди.

Учрашув натижаларидан келиб чиққан ҳолда қатнашчилар адлия ва солиқ тизими вакилларига тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида турли саволлар бериб, батафсил жавоб олишди.

Саид АСҚАРОВ.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

ЁНИМИЗДАГИ МЎЪЖИЗА

Биз баъзан яшаб турган жойимиз қолиб, олислардан гўзаллик излаймиз ва сирли мўъжизалар манбаларига талпинамиз, шу мақсадда узоқ масофаларни босиб ўтамиз. Ваҳоланки, биз излаётган ўша мўъжизаю гўзалликларнинг бари жонажон кўчамиз, маҳалламиз, қишлоғимиз қиёфасида яширин. Аммо биз уларга эътибор билан нигоҳ ташламаймиз, қишлоғимиз юраги – қабристон ёки асрий дарахтзору мўъжаз ўрмонларга разм солмаймиз. Ҳатто, йўл четида ётган кўҳна тошу ҳарсанглар ҳам қандайдир сирсиноатларни бағрида яшириб турганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Ҳа, буларнинг ҳаммасини қалб кўзи билан кўрмоқ лозим. Бу – боқий Хотира олами. Доимо уйғоқ юрагимиз бизни улар томон тўхтовсиз ундаб туради.

Қибрай тумани – воҳамизнинг ажойиб, яшил бир бўлаги. Бу ерда деҳқончилик маданияти билан илм-фан бир-бирига уйғунлашиб кетган. Қишлоқларнинг номлари жарангдор ва ажабтовур. Беихтиёр "бу ғалати номлар – Дўрмон, Арғин, Ўнқўрғон, Байтқўрғон – қандай пайдо бўлган, қаердан, нимадан олинган?" деган саволлар туғилади.

Тумандаги кўпгина қишлоқлар қадимий ўзбек қабилалари ва уруғларининг номлари билан аталади. Шундай қишлоқлар ҳам борки, номлари у ёки бу жойнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ рамзий маъноga эга.

Байтқўрғон – Қибрай туманининг энг қадимий қишлоқларидан бири. Икки четида адил тераклар ва серҳосил мевали дарахтлар саф тортган кенг ва равон кўчалар – бу Байтқўрғоннинг барча учун ҳамиша очиқ сахий бағри, юраги. Бу кенг, тўғри ва ёриқ кўчалар қалбингизга қувонч бахш этади ва сиз шу ҳаёт гўзалликларини яратган одамларга нисбатан кўксингизда ҳурмат ва миннатдорчилик ҳисларини туясиз. Одатда, йўл ва кўприклар қурган, боғ-роғлар барпо этган одамлар халқ хотирасида шу тахлит боқий яшайди.

...Байтқўрғоннинг қоқ марказида, "Навбаҳор" маҳалласида ноёб мақбара бор. Бу – Қўқтўнлиота қадамжоси. Қишлоқнинг ўзи эса, Қорсув дарёси қирғоғида, қадимий шаҳар ўрнида жойлашган. Олим В. Жуков 1935 ва 1939 йилларда шаҳарчани обдон ўрганган. Бу ерда қазиш ишларига қўл урилмаган. Аммо, ўрганиш, тадқиқ этиш жараёнларида XIV асрга тааллуқли буюмлар топилган.

Кейинроқ, 1964 йилда бу ҳудудни Ўзбекистон ФАнинг Чорвоқ археология отряди ўрганиб чиқди, аммо аввалгидек, қазилма ишларисиз тадқиқот олиб борилди. Ҳақиқатан ҳам қишлоқнинг номи жуда қадимий. Аҳоли "Байтқўрғон" аслида "Қўшиқ шаҳар" деган маънони англатади, деб ҳисоблайди.

Бутун умрини топонимикага бағишлаган тилшунос олим Суюн Қораев қадимий турк сўзи "баёт" ("бой")ни асос қилиб кўрсатади. Классик поэзия манбаларига мувофиқ "байт" худди "Каъба", яъни шеърий иккилик сифатида ишлатилади. Шунингдек, "уй", "жой" маъносида қўлланилади, деб ҳам тахмин қилинади.

Хуллас, тахминларнинг ҳаммасини бу гўзал қишлоқнинг моҳиятига йўйиш мумкин. Байтқўрғон амалда ҳам жуда бой қишлоқ. Суви мўл, экин майдонлари хилма-хил ва унумдор, боғлари сермева. Байтқўрғонликларнинг "Қўқтўнлиота" қадамжосига муносабатлари ҳам уларнинг Каъбани юксак даражада қадрлашларини тасдиқлайди. Ва, албатта, энг қадрдон ва жонажон қишлоқлари – кўкларга кўтариб куйлашга арзийдиган маконлари. Зеро, у 300 йилдан буён мавжуд. Қадимий шаҳар сифатида беш асрга тенг!

...Уч юз йилдан кўпроқ вақт бурун уч оға-ини бу ерга келишди. Уларнинг исм-шарифлари тарихда сақланиб қолмаган. Фақат лақаблари ҳамон тилларда, дилларда: Қўқтўнлиота, Қорасоқолота, Қиличлиота.

Уч оға-ини жуда аҳил яшардилар, довюрак ва кучли эдилар. Ҳар бирига Аллоҳ алоҳида иноят кўрсатганди: Қиличлиота қилич ўйнатишнинг моҳир устаси эди. Унинг бу санъати ҳақида афсоналар тўқилган. Ўртанчаси – Қорасоқолота илонлар тилини тушуниш қобилиятига эга бўлишдан ташқари ҳунармандчиликнинг кўп сир-асрорларидан бохабар эди. Каттаси – Кўқтўнлиота кучли ички қудратга эга бўлиб, одамларни турли дардлардан фориғ этарди.

У даврлар беқарор, беҳаловат, анча нотинч эди. Кунлардан бир кун турли қабилалар ўртасида фитна, ғалаён кўтарилиб, аёвсиз уруш бошланди. Жуда кўп одам қирилди. Уч оға-ини ҳам ҳалок бўлишди.

Кўқтўнлиота кўмилган жой нур, шуъла тарата бошлади. Шунда одамлар у тириклигида жуда кўп ибодат қилганини, ҳайратомуз мўъжизалар яратганини эсладилар. Дарҳақиқат, бу ерга зиёратга келган одамлар ҳам жисман, ҳам руҳан шифо топардилар. Энг ҳайратланарлиси, бу жойда кўзи ожизлар қайтадан ёруғ дунёни кўриш бахтига муяссар бўлардилар.

Маҳаллий аҳоли бундан бир неча йил аввал Кўқтўнлиота қабри заминида мақбара тикладилар. Қорасоқолота ва Қиличлиота қабрлари эса, қайта тиғилиш, янгиланиш навбатини кутиб турибди. Байтқўрғон аҳли бу муқаддас жойларни ободонлаштиришни режалаштиришган.

Байтқўрғон қишлоғи "Навбаҳор" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Омила Қосимова билан қадимий қабристонларни айландик. У қишлоқ ва маҳалланинг ажойиб одамлари ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб берди. Биз ҳам уларнинг айримлари билан учрашиб, самимий суҳбатлашдик.

Айтишадики, одам туғилган жойда, ҳеч бўлмаганда, битта афсона ҳам туғилади ва яшайди. Бу мўъжаз жой чексиз коинотдаги митти юлдуз мисол ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади. Негаки, бу ер Яратганнинг марҳаматига сазовор бахтиёр инсоннинг қалб нуридан яшнаган. Бу инсон шунинг учун бахтлики, у эшитадиган, кўрадиган, севадиган юрак эгаси. Балки, шунинг учундир, кенг ва ёруғ кўчали бу қишлоқ Байтқўрғон, яъни юрагида боқий ҳаёт қўшиғи завол билмай яшайдиган Қўшиқ шаҳар деб аталар.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

ЁШЛАР ИШГА ЧАНҚОҚ

Оҳангаронда ўтган меҳнат ярмаркасида тумандаги 29 та корхона, ташкилот ва муассаса, қатор хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари 132 та иш ўринлари билан иштирок этишди.

Меҳнат ярмаркасида ишга йўлланма олган 122 талабгорнинг 94 нафари ёшлар. 36 йигит-қизга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

Умуман, дастлабки уч ой давомида Оҳангарон туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилган 611 иш изловчининг 545 нафари муқим иш жойларига эга бўлишди. Ишсизлик мақоми берилган 40 фуқаро жамоат ишларига жалб этилди, 30 нафари эса касбга қайта ўқитишга йўлланди.

Яратилган иш ўринлари янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаётган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорлик ҳамда уй меҳнати – касаначиликнинг барча турларини ривожлантириш ҳисобига бўлди. Шуниси эътиборлики, коллежда маълум бир касб малакасини эгаллаган ёшлар учун иш ўринлари яратиш, уларнинг шижоат ва интилишини фойдали жараёнга йўналтириш ёш авлод камолотини таъминлашнинг муҳим асосидир.

Фурсатдан фойдаланиб, ярмарка иштирокчиларини суҳбатга тортдик.

Манзура ЎРИНБОЕВА, "Оҳангаронцемент" очиқ акциядорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи:

– Меҳнат бозорида талабгор ёшлардан 4 нафарини корхонамизга ишга таклиф этдик. Устоз-шогирд анъанаси асосида уларга касбий кўникма бериб борамиз. Бугунги ёшларнинг имконияти кенг. Компьютер техникаси, ахборотлаштириш дастурларидан яхши хабардор. Даврга хос интилувчан бу ёшлар ҳадемай малакали ходимлар сафига қўшилади. Катта ёшли мутахассислар ўрнини босувчи муносиб захира бўлиб шаклланишади.

Шуҳрат ЭШБОЕВ, "Астен Мартин Сервис" масъулияти чекланган жамият раҳбари:

– Кичик корхонамизда асосан ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бизга ёш ишчилар жуда зарур. Меҳнат қилишга ғайратиштиёқи бор ёшларнинг 5 нафари бугун сафимизга қўшилди. Уларга дастлаб 300 минг сўмдан маош белгиладик. Келгуси саъй-ҳаракатлари, тиришқоқликларига қараб рағбатлантириб борилади.

Райҳон САЛАЕВА.

Ангрен:

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

3. Ишбилармонлик борки, барака барқарор



Рақамлар бир хил, қуруқ ва ўлик дейишади. Назаримизда, бу нотўғри. Рақамлар ҳам бамисоли тириқдек, ўз хусусиятига қараб одамларда мамнуният уйғотади ёки вужудларни ларзага солади.

Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотларига қараганда, шу йилнинг 1 апрель ҳолатига шаҳарда меҳнатга лаёқатли 86 минг 178 киши яшайди. Уларнинг 65 минг 300 нафари иқтисодий фаол аҳоли тоифасига киради. 62 минг 760 киши иш билан банд эканлиги ҳисобга олинса, 2540 киши иш излаётгани аён бўлади.

Шаҳар ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар бугун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламларини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш ишчи комиссияси махсус дастур ишлаб чиқиб, барча хўжалик идоралари, корхона ва ташкилотларда оғишмай бажарилишига эришмоқда. Шаҳримизда 11 та саноат корхонаси, нодавлат мулк шаклидаги 266 та кичик корхона фаолият кўрсатяпти. Сўнгги бир йил ичида 149 та кичик бизнес корхона ва ташкилотлари барпо этилди. 4966 та янги иш ўринлари яратилди. Бунга ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига эришилди.

Бу йил барча йўналишларда 5016 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳудудий, инвестиция, маҳаллийлаштириш, ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш натижасида бу борадаги биринчи чорак режаси ортиғи билан бажарилди.

Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Манзура СОЙНАЗАРОВА:

– Хотин-қизлар шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, миллий анъаналар ва қадриятларни авайлаб-асраш ва бойитиб боришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ижтимоий фойдали меҳнат, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида уларнинг иштироки фаоллашиб бораяпти, улар учун ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилаяпти. Қабул қилинган дастурга кўра, бу йил хотин-қизлар учун 2658 та янги иш ўрни очилиши керак. Биринчи чорак режаси 109,7 фоиз бажарилди. Шу йилнинг дастлабки уч ойида 19-30 ёшли 348 хотин-қиз ишга жойлаштирилди.

Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Турсунали ЮСУПОВ:

– Мустақил Ўзбекистонда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиши, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаши, ишсизликдан ҳимояланиши Конституциявий ҳуқуқ ҳисобланади. Бизнинг марказимиз бу борада қизғин иш олиб бораётир. Шаҳар ҳокимининг қарори бўйича 44 та корхона ва ташкилотда бу йил иш топишга қийналаётганлар учун 805 та иш ўрни яратиш мўлжалланган. Дастлабки уч ойда режа 130 фоиз бажарилди.

Бўш иш жойлари ярмаркаларини ўтказиш анъана бўлиб қолди. Март ойида маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўтказилган шундай тадбирда 46 та корхона ва ташкилот 360 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ўзларига маъқул меҳнат турини танлаган 320 киши ишга йўлланма олди.

"SUNGREEN TEX" қўшма корхонаси раҳбари Сардор УСКАР:

– Корхонамиз маҳсулот ишлаб чиқаришни яқиндагина бошлади. Ҳозир 250 киши меҳнат қилаяпти. Қурилиш-монтаж ишлари билан бир пайтда ёшларни технологик жараёнлар билан таништирдик, турли дастгоҳларда ишлаш кўникмасини эгаллашларига ёрдам бердик. Улар ҳозир унумли меҳнат қилишаяпти...

"Ангрен" кўмир кони экскаваторчиси Ўткир ЎТАНОВ:

– Мустақиллик шарофати билан корхонамизда ишлаб чиқариш тез кенгайиб бораяпти. Россиядан олинган саккизта қудратли экскаватордан тўрттаси қисқа фурсатда йиғилиб, ишга солинди. Шу ҳисобдан янги касбдошларимиз кўпайди.

Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганини, жамиятда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик таъминланаётганини Ангрен шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Аҳолини муқим ва муносиб иш ҳақи тўланувчи иш жойлари билан таъминлаш тобора барқарор тус олаяпти.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса, ҳар бир тадбиркор ўзича изланаяпти, шаҳарда ишлаб чиқариш қувватлари ортиб бораяпти. Бугунги Ангрен ўзининг йирик энергетика қувватлари, қўнғир кўмири, олтини, каолин ва қурилиш материаллари билан мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.



СУРАТЛАРДА: (юқорида) «SUNGREEN TEX» қўшма корхонасида ишлаб чиқариш жадал давом этмоқда; (пастда) мустақиллик даври фарзандлари.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган "Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳасининг навбатдаги босқичи якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан ҳамкорликда амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида Тошкент ва Сирдарё вилоятлари босма нашрларида ишлаётган ёш журналистлар малака оширди.

Шу муносабат билан ўтказилган семинар-машғулотда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий медиа тармоқни жадал ислоҳ этиш жараёнида журналистларнинг касб малакаси ва маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ана шу мақсадда бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

"Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳасининг навбатдаги босқичи иштирокчилари бир ҳафта давомида юртимиздаги етакчи босма ва интернет-нашрлар, ахборот агентликлари фаолияти билан атрофлича танишдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Экоҳаракат, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетларида миллий матбуотни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуманлар, давра суҳбатлари ва семинарларда иштирок этдилар.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Зангиота тумани 8-сон давлат нотариал идорасига	**- 1 нафар**
Пискент тумани давлат нотариал идорасига	**- 1 нафар**
Чиноз тумани 2-сон давлат нотариал идорасига	**- 1 нафар**
Янгийўл тумани 5-сон давлат нотариал идорасига	**- 1 нафар**
Қибрай тумани 1-сон давлат нотариал идорасига	**- 1 нафар**
Юқоричирчиқ тумани 1-сон давлат нотариал идорасига	**- 1 нафар**
Юқоричирчиқ тумани 2-сон давлат нотариал идорасига	**- 1 нафар**

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. *Комиссия номига ариза;*
2. *Паспорт нусхаси;*
3. *Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
4. *Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
5. *Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
6. *Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2011 йил 2 июнь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Ангрен:

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР

4. Юрт қизлари баркамоллик йўлида





Мустақиллик йилларида Чотқол ва Қурама тоғлари этагидаги Оҳангарон воҳасининг бошланиш қисмида жойлашган бу шаҳар довруғини оламга ёяётган янги авлод камол топди. 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зулхумор Бобоева бугун улар даврасида алоҳида ўринга эга.

Келинг, бу хусусида яхшиси ўз соҳасининг малакали мутахассиси Ўзбекистон Шотан Каратэ-до ассоциацияси вице-президенти Т. Мироқиловга сўз берайлик:

– Зулхумор етти ёшидан бошлаб шу кураш тури билан шуғулланади. Ўн ёшида – 2006 йили Ўзбекистон чемпионатида қатнашиб, иккинчи совринли ўринни эгаллади. Ўша кундан Ўзбекистон терма жамоаси сафида шуғуллана бошлади. Бир йиллик машқлардан кейин Токиода ўтган жаҳон чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Ўтган йили ҳам Ўзбекистон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди...

Спорт соҳасидаги ютуқлари, ёшлар спортини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси учун Зулхумор Бобоева Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Ангренда бундай изланувчан, ижодкор ёшлар оз эмас.

– Шу кўрик-танловнинг шаҳар босқичида ўтган йили 138 иқтидорли қизларимиз иштирок этишди, – деди ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Назарова. – Ўн беш ғолиб қизга вилоят босқичида қатнашиш учун йўлланма бердик. Ўлар орасидан Зулхумор Бобоева, Муқаддас Оқмамбетова, Нигора Тожиқулова кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашишди. Маданият йўналиши бўйича Зулхумор Бобоева ғолиб чиқди.

Шаҳарда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат фаоллигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, бошқарув ҳамда хўжалик идоралари билан ҳамкорлик кучайтириляпти. Натижада хотин-қизлар орасидан қобилиятли ташкилотчилар, моҳир устоз-мураббийлар, ташаббускор раҳбарлар, ғайрат-шижоатли тадбиркорлар етишиб чиқаётир.

Ангрен кўмир саноати касб-ҳунар коллежи директори вазифасини бажарувчи Ҳабиба Қўзиева турли касб эгаларини ўқитиш, маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил этиш борасида катта тажриба орттирган малакали раҳбарлардан. Очиқ кон ва шахта усулида кўмир қазиб олувчи кичик мутахассисларни тайёрловчи бу билим даргоҳида ўқувчиларга беш йўналиш бўйича таълим-тарбия берилаётир.

– Мустақиллик йилларида кўмир конларида замонавий касб эгаларини тайёрлашда муайян тажриба орттирдик, – деди устоз педагог. – Бу даргоҳда ўқиб, таълим олган ёш мутахассислар бугун кўмир конининг барча участкаларида, шахтада меҳнат қилмоқдалар. Эндиликда корхона раҳбарлари коллежимизга ишлаб чиқариш таълими, конларда амалиётни ўташни ташкил этишда кўмаклашишяпти.

Ўқитувчиларимизнинг 90 фоизи ёшлар. Ҳокимият ва унинг бўлимлари, кон бошқармаси ва бошқа ташкилотлар мутахассис ходимларни педагогларимиз, ишлаб чиқариш усталаримиз орасидан танлаб олишаяпти.

Тадбиркор Шоҳиста Мадиёрова "Шахлия" ателесини очиб, бичиш-тикиш касбини эгалламоқчи бўлган қизларга устозлик қилаяпти. "Ташаббус – 2010" кўрик-танловида қатнашиб, вилоят босқичида "Энг яхши ҳунарманд аёл" номинацияси бўйича ғолиб чиқди.

Оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш дастурида бундай ташаббускор хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга алоҳида ўрин берилган. Чунончи, уларга кўплаб имтиёзли кредитлар ажратилаяпти. "Ипотекабанк"и бу йил 138,2 миллион сўм кредит берди. Бу – режадагидан 2,3 баравар кўп.

"Минибанк" бу йил 556 миллион сўм кредит ажратиб, шу ҳисобдан аёллар учун 370 та янги иш ўрни яратилишини таъминламоқчи.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш юзасидан 2011-2012 йилларга мўлжалланган шаҳар дастури босқичма-босқич бажарилаётир. Унга кўра, Мустақиллик байрами арафасида маҳаллаларда давра суҳбатлари, уч авлод учрашувлари, бошқа маънавий-маданий тадбирлар ўтказилаяпти. Мамлакатни модернизация қилишда хотин-қизлар иштирокини фаоллаштиришга бағишланган тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Юнусова, Сенат аъзолари, вилоят ва шаҳар кенгашлари депутатлари, ёзувчи ва шоирлар иштирокидаги бундай оммавий тадбирлар коллеж ва мактаблар ўқувчиларининг маънавий камолотида муҳим ўрин тутаётир.

Бугунги Ангрен барқарор юксалиш йўлида. У бешолти йил илгариги шаҳарга асло ўхшамайди, одамларда ҳам руҳ ўзгача. Кўчаларни, сайилгоҳ ва хиёбонларни айлансангиз, кундалик юмушлари, иш жойларига шошилаётган кишиларни кўрасиз.

Ҳар куни бир янгилик. Бу ўзгаришлар одамлар, айниқса, хотин-қизларда юртга меҳр, меҳнатга қўним, ўз турмушини маъмур ва мароқли қилишга интилишни кучайтирмоқда. Буюк ипак йўли бўйида жаҳонга интилиб яшаётган Ангрен ва ангренликлар эртанги кунни катта умид ва келажакка ишонч билан қаршилашмоқда.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: (пастда) тажрибали ҳунарманд Фотима Норматова шогирдлари билан; (юқорида) устоз Ойимбиби Соҳибова ёшларга рўмол тўқиш сирларини ўргатаяпти.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.



НИГОҲ

ҚУРОЛ КЕРАКМИ, СОТИБ ОЛАВЕРИНГ

Ақси туманида яшовчи Бақит Усенбоев жиноятчилик оламида таниқли шахс. Ёши 55 га борган бўлсада, ҳамон қуюлмаган. Ҳамқишлоқлари юрагига ғулғула солиб, елкасига ов милтиғини осиб юргани-юрган. Кимнидир шартта отиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас.

Дарвоқе, у чегарачилар билан жуда яхши муносабатда. Баъзида Калашников автоматини ишониб бериб қўйишади ва ҳамкорликда жиноий операцияларда иштирок этишади.

Ашаддий миллатчи бўлган Бақит бир қатор жиноятларда "ярқ этиб" кўзга ташланган. Ўзбекистоннинг чегара туманлари аҳолисини доимо қўрқитиб, даҳшатга солиб келади. Контрабанда билан шуғулланишни касб қилиб олган. Айнан шу ҳунари боис Жалолобод вилояти Ақси тумани Қизилжар шаҳарчасидан анча олисларда ҳам "шон-шуҳрат" қозонган.

Яқинда уйига ўзи ўқланадиган карабинни патронлари билан олиб келди. Бишкек шаҳридаги магазинларнинг биридан сотиб олинган бу хавфли қуролга тегишли ҳужжатларни ўғли Талгатнинг номига расмийлаштириб қўйди.

Бугун мамлакат жанубида ўқотар қуролларни уйда сақлаш тақиқлаб қўйилган. Шу боис Бақит карабин сақлашга рухсат берувчи ҳужжатларни "тўғрилаш"да Бишкек шаҳри ички ишлар бўлимидаги алоқасидан фойдаланди. Бу ижтимоий хавфли кимсанинг узоққа отувчи қуролга қандай қилиб эга бўлиб олгани тушунарсиз. Аммо биз ҳали бу хариднинг оқибатлари ҳақида эшитиб қолишимиз аниқ.

Қирғизистондаги жиноятчи гуруҳларнинг яхши қуролланган ҳаммага маълум. Улар, ҳатто, махсус хизмат бўлинмаларига ҳам бемалол қарши тура олдилар. Лекин, шуниси қизиқки, бу ҳеч кимни хавотирга солмаётган кўринади.

Пойтахтдаги 64-гимназия ўқитувчилари эса қурол-яроғ дўкони билан хавфли қўшничиликдан қаттиқ хавотирдалар. Улар бу девор-дармиён қўшнини бошқа жойга кўчириш ҳақида шаҳар ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдилар. Бу ҳақда "Ор-Номус" партиясининг парламентдаги фракцияси депутатлари билан учрашув чоғида ҳам гапирилди. Лидия Сокольникованинг гапига қараганда, дўконда жуда кўп қурол турлари сотилади. Мактабга туташ бу дўконга ҳар хил машиналарда шубҳали одамлар келишади. "Қурол ва болалар – бир-бирига мутлақо мос келмайдиган ҳолат" дейди Л. Сокольникова.

Очиқ, аммо яхши назорат қилинмайдиган қурол бозоридан ташқари керакли қуролга эга бўлишнинг ортиқча расмиятчиликдан ҳоли йўллари ҳам бор. Аҳоли қўлида ўқотар ва совуқ қуроллар исталганча топилади. Ҳатто, боғча ва мактабларда ҳам қуролларнинг яширин жойлари борлиги аниқланяпти. Масалан, Ўш вилояти Ўзган шаҳридаги болалар боғчаси ҳудудида икки жойга кўмиб қўйилган қуроллар топилди...

– Аҳолининг қўлида қурол кўп экан, – деди Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси бошлиғи Кенешбек Душебоев. – Улар оммавий тартибсизликлар чоғида ҳарбий қисм ҳамда туман ички ишлар бўлимларида қўлга туширилган. Аҳолини қуролсизлантириш жуда қийин бўлаяпти. Аммо, махсус хизмат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари аҳолини ноқонуний сақланаётган қурол-аслаҳаларни топширишга кўндириш учун мумкин бўлган ҳамма ишни қилишаяпти.

К. Душебоев берган ахборот ҳаммани лол қилиб қўйди: пойтахтнинг Ленин туманидаги тураржойлардан бирида РПГ-7 русумли граната улоқтирувчи қурол (гранатомет) жамламаси топилди. Жалолобод вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг Новкен туманида яна битта қурол қўмилган махфий жойни топишгани ҳам катта шов-шув бўлди. Тезкор ходимлар Қораўнгур дарёси қирғоғидаги махфий жойдан 16 ва 32 колибрли бешта ов милтиғи, ТОЗ-8 винтовкаси, Вальтер туркумидаги пневматик тўппонча ва турли хил совуқ қуролларни кавлаб олишди. Афтидан, бу қуроллар ўтган йилги июнь воқеаларидан буён сақланган ва навбатдаги ишлатиш пайтини пойлаб ётган.

Нотинч қўшни – Тожикистондан қурол ҳамда ўқ-дори контрабандасидан ҳам эҳтиёт бўлмоқ лозим. Мана бир мисол. Қирғизистон Давлат миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари раҳбарлари маълум қилишларича, Тожикистондан Қирғизистонга келаётган "ВАЗ-2106" автомашинасининг юкхонасидан 1000 дона 5.6 мм.ли патронлар топилди ва олиб қўйилди. Машина эгаси патронларни Тожикистонда сотиб олганлигини айтди.

Айтиш мумкинки, бизнинг "шавкатли" чегарачиларимизнинг кўплаб бошқа ишлари ва шахсий манфаатлари ҳам бор. Агар хоҳласалар бундай хавфли юк ҳеч қандай тўсиқсиз, силлиқкина ўтиб кетиши мумкин. Бақит Усенбоевнинг тажрибаси милиция билан ҳам бемалол келишиш мумкинлигини кўрсатаяпти.

Роза Отунбоева ҳукумати бундай аҳвол охир-оқибат нимага олиб келиши мумкинлиги ҳақида, ҳатто, ўйлаб ҳам кўрмаяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тажрибали ходимлари кейинчалик, яъни миллатлараро янги қарама-қаршиликлар чоғида ишлатиладиган қурол ва ўқ-дориларни жамғариш жараёни кечаётганини таъкидламоқдалар. Бундай зиддиятлар исталган вақтда юз бериши мумкин.

Қуролланган қирғинчилар тўдаси Қирғизистоннинг ичичидан чириб битган махсус тузилмаларини бир зумда йўқ қилиб ташлайди. Ўшанда...

Толенди КОЧКИНБЕКОВ.
Қирғизистон ахборот портали.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ЎНГ ҚОВУРҒА ОСТИДА ОҒРИҚ

Вирусли гепатит ташқи муҳитга чидамли бўлиб паст ва юқори ҳароратда, сувда, озиқ-овқат маҳсулотларида узоқ сақланади. Улар ташқи муҳитга сийдик орқали ажралиб, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини ифлос қўллар билан ушлаш, истеъмол қилиш ҳамда қайнатилмаган сув ичиш орқали юқиши мумкин. Шунингдек, гиёҳвандлик моддаларини томир орқали қабул қилиш ва фоҳишабозликнинг кўпайиши ҳам гепатитлар кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Гепатитнинг В, С, Д вируси бемор қонида бўлиб, турли хил тиббий муолажалар – қон ва унинг ўрнини босувчи моддаларни қуйганда, қон топширганда, бундан ташқари, сартарошхона, маникюр ва пардоз-андоз салонларида анжомларни нотўғри зарарсизлантириш ҳамда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида соғлом одамга юқади.

Касаллик белгилари намоён бўлмасдан олдин чарчаш, ҳолсизлик кучаяди. Айниқса, болаларда ҳолсизлик, чарчаш, уйқу бузилиши, иштаҳа пасайиши, кўнгил айниши, қусиш, ўнг қовурға остида оғриқ кузатилганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Айрим беморларда касаллик сурункали шаклга ўтиши натижасида жигарнинг турли касалликлари – жигар циррози ва саратон ривожлана бошлайди. Вирусли гепатит касаллигига чалинмасликнинг энг яхши йўли – вакцина олишдир.

Ҳозирги пайтда А ва В гепатитга қарши махсус вакциналар кенг қўлланилмоқда. Гепатит В га қарши эмлаш умумий эмлаш тақвимига киритилган бўлиб, чақалоқ бир кунлигида, 2, 3 ва 4 ойлигида эмланади.

Вирусли гепатит А га қарши эмлаш учун вакцинани Тошкент шаҳар иммунология марказидан олиш мумкин.

Набижон ЖЎРАЕВ, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори муовини.

ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

Серқатнов катта кўчаларда ҳаракатланадиган ҳар бир ҳайдовчи ва пиёда ҳушёрликни йўқотмаслиги керак. Йўл-транспорт ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик ҳамда шошма-шошарлик ва бепарволик турли кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин.

Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Адҳамжон Бердимуродов йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмагани туфайли фуқаро Баҳодир Аҳмедовга тан жароҳати етказди. У отасига тегишли "ВАЗ-2106" русумли автомашинада Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги Бобур кўчасида бораётганида йўл ҳаракати қоидасини бузиб, пиёда Б. Аҳмедовни уриб юборди. Тан жароҳати олган Баҳодир шифохонага ётқизилди. Тиббий хулосага кўра "ўртача оғир" тан жароҳати етказилгани аниқланди.

Жабрланувчи Б. Аҳмедов судга ариза билан мурожаат этиб, воқеа содир бўлган куни спиртли ичимлик ичганлиги, кўчанинг чап томонида бораётганида унга қарамақарши томондан "Зил" автомашинаси келиб, унинг олдидан ўтиб кетгани, шунда орқа томондан "ВАЗ-2106" автомашинаси келиб, уриб юборгани, ҳайдовчи тезда уни шифохонага олиб бориб биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатгани, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплагани, соғлиги яхшилигини айтиб, А. Бердимуродовга нисбатан жиноий ишни ҳаракатдан тўхтатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 66-моддасига асосан, жиноят содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни қоплаган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши кўрсатилган. Суд мазкур қонунга амал қилган ҳолда А. Бердимуродовни жиноий жавобгарликдан озод қилишни лозим деб топди. Суд мажлиси А. Бердимуродов ва жабрланувчи Б. Аҳмедов ўртасида тузилган ярашув баённомасини тасдиқлади. А. Бердимуродовга нисбатан жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилди.

Шуҳрат ТОШНАЗАРОВ, Зангиота тумани прокуратураси иш ўрганувчиси.





товар сертифицирован





Утерянную справку, выданную "Тошкент шаҳар ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати" 08.01.2002г. на имя Генч Алааттин на савдо дукони по адресу: Мирзо-Улугбекский район, Марказ-2, дом 5,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.

Адвакатская фирма "VIKTORIY VA MANZURA" (ИНН 205781800), расположенный по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, Ц-26, ул. Беруний, дом 1, кв. 10,

ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани ҳокимияти томонидан 2009 йил 003316-09 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "IXLOS-PLUS-BARAKA" МЧЖ ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида +99890 185-99-48 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ЧП "DONIYORBEK-NUR-SERVIS" (ИНН 301353644) Чиланзарского района сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "DONIYORBEK-NUR-SERVIS" с переходом всех прав и обязательств с ЧП "DONIYORBEK-NUR-SERVIS" к ООО "DONIYORBEK-NUR-SERVIS". Тел.: 668-99-99.

ЧП "DEGREZ-M" (ИНН 202100106) Чиланзарского района сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "DEGREZ-M" с переходом всех прав и обязательств с ЧП "DEGREZ-M" к ООО "DEGREZ-M". Тел.: 111-37-73.

ТДИУ қошидаги Чилонзор академик лицейи (аввалги Тошкент Давлат иқтисодиёт лицейи) томонидан 2000 йилда 11-синфни тамомлаган Маннапов Анварбек Давранбекович номига берилган O'R-A № 916565 рақамли аттестат ҳамда Шайхонтохур туманидаги 192-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1998 йилда 9-синфни тамомлаган Маннапов Анварбек Давранбекович номига берилган O'R-I № 015284 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 186-мактаб томонидан 1993 йилда 10-синфни тамомлаган Ишанджанова Нилуфар Абдубашировна номига берилган АУ № 314259 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган "BINOKOR-M" хусусий фирмасининг "ABDULAZIZ-SHOXJAXON" шўъба корхонасининг устав жамғармаси 38.977.435 (ўттиз саккиз миллион тўққиз юз етмиш етти минг тўрт юз ўттиз беш) сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси томонидан 1996 йил 20 декабрда 69-сон билан рўйхатга олинган Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлимига тегишли бўлган Низом ҳамда гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ECLAIR COSMETIC" МЧЖ 06.05.2011 йилдаги таъсисчи қарорига кўра "ECLAIR COSMETIC" МЧЖ ҚК сифатида қайта ташкил этилаётганлигини билдиради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, К. Шарипов ва Проектная кўчалари, 1-Б уй. Тел.: (+99897) 760-74-51.

"SHIRIN YURT QANDOLAT" МЧЖга Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йилда № 00704-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган, юридик манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Каттабоғ кўчаси, 107-уй (СТИР 301365043, ХХТУТ 18114, КТУТ 23025445) **ТУГАТИЛАДИ.**

Шикоятлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қабул қилинади. Тел.: 247-85-81.

"NPTKTS-MADANIYAT" масъулияти чекланган жамияти устав фондини 147 990 680 сўмдан 90 045 649 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Эътирозлар 300-00-32 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 12658. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30 2345